

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

ISSN 2181-502X

№ 11. 2014

**ЗАФАР МУБОРАК,
АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!**



**O'ZBEKISTON
QISHLOQ
XO'JALIGI**

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабон журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

**Тоҳир
ДОЛИЕВ**

Таҳрир ҳайъати:

Шухрат ТЕШАЕВ
Ақром АРИПОВ
Яшин ХИДИРОВ
Шавкат ҲАМРАЕВ
Шермат НУРМАТОВ
Собиржон ЭРГАШЕВ
Ҳамрабой РАЗЗОҚОВ
Муҳаммадсўф ТЕШАБОЕВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Саидқул АРАБОВ
Фарҳод ОМОНОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Муса АНОРБОЕВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

**2014 йил,
№11 Ноябрь**

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкилотлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига	1
М.ТОИРОВ. Орол муаммоси — жаҳон ҳамжамияти эътиборида	3
Аграр соҳа қонунчилиги таҳлили	4
Вазифалар белгилаб олинди	4
А. СУЙОНОВ. Ўзбек пахтасига дунё эътирофи	5
Б.НИЁЗАЛИЕВ, Ф.ҲАСАНОВА, С.ИСАЕВ. Кузги-кишки агротехник тадбирлар	6
А. ТҶУХТАҚУЗИЕВ, М. ТОШБОЛТАЕВ. Шудгор — ерга мадор	8
Х.УМУРОВ. Илм ва амал уйғунлиги	9
Р.СИДДИҚОВ. Кузги бугдой парвариши	10
А.АРИПОВ, А.РИХСИЕВ. Мевали кўчатлар экиш тартиби	11
Қ.МИРЗАЖОНОВ, А.АБДУРАҲИМОВ. Юртимизни боғларга буржайлик!	12
С.ҲОТАМОВ. Чорвачиликни ривожлантирмоқчиман	12
Ф.ГАППАРОВ. Сугориш тармоқлари соз бўлса	13
А.МАДАТОВ. Истиқлол берган имконият	14
М.СУЙОНОВА. Мақсад сари интилоқ керак	15
Б.МУҲАММАДИЕВ. Дарсда илм, далада тажриба	16
Б. ЭГАМҚУЛОВ. Терим машиналари ўзини оқлади	17
Истиқлолнинг кўнгиллардаги сурури	18
К.ЭРГАШЕВ. Ордени Дилором опа	19
Б.ТОШНАЗАРОВ. Ҳимматли Қурбон фермер	20
К.ҲАЙИТОВ. Меҳнатдан бахт топиб	21
Х.КАРИМОВ. Нияти нури жамоа	22
А.ХУДАЯРОВ. Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб	23
Х.ЮЛДАШЕВА. Зайтун совуққа чидамлими?	24
С.МИСИРОВА. Болезни цветочных культур	25
А.ВАҲОБОВ, Л.ТИРКАШЕВ, А.ТУРҒУНОВ, З.МАҲАММАДЖОНОВ, И.ОХУНЖОНОВ. Хусусий хонадонларда биоғомус	26
М.АШИРОВ, Н.ХУДОЙБЕРДИЕВ, Б.АШИРОВ. Зависимость молочной продуктивности коров от живой массы	27
Н.АҲМЕДОВ, У.ДАНИЯРОВ, С.НАВРЎЗОВ, О.ОРИПОВ, М.ХАЛИЛОВА. Янги зот, тизим, дурагайларнинг биологик ва технологик кўрсаткичлари	28
М.КАЙПОВ, С.АБДУЛЛАЕВ, М.ТУРЫМБЕТОВ. Уплотняющее воздействие тракторов «Магnum» на почву	29
Г.ЮЛДАШЕВ, С.ЗОКИРОВА. Свойства и некоторые особенности песков Ферганы	30
А.МИРЗАХОДЖАЕВ, Б. МИРЗАХОДЖАЕВ, Ш.УМАРОВ. Результаты очистки и сортирования гибридной грены с применением комплекса малой техники	31
И.АБДУРАҲМОНОВА, З.ШОДМОНОВ. Инвестиция муҳитини яхшилаш — мамлакатимиз ривожланишининг муҳим омили	33
А.ЧЕРТОВИЦКИЙ, Ш.НАРБАЕВ. Оценки экономического ущерба от деградации пастбищ	34
Р.НОРМАХМАТОВ, Ф.ПАРДАЕВ. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги	36
Қанд лавлаги етиштириш агротехнологияси ва алмашлаб экиш	37
М.АЛЛАЯРОВ. Андиз бор жойда от ҳоримас	38
Ажойиб ва гаройиб	39

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: Тошкент 170,
Мирзо Улугбек тумани Равнақ
кўчаси, 1^а-уй.

Тел/факс: 267-24-49.
267-24-51, 267-24-59.

www.qxjurnal.asia

E-mail: qxjurnal@qsxv.uz

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2014 йил
30 октябрь. Босишга рухсат этилди:
2014 йил 31 октябрь. Қроғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №300. Нусхаси 3700 дона.

«КО'НИ-НУР» МЧЖ
босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Х.МИРЗАЕВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

СУҒОРИШ ТАРМОҚЛАРИ СОЗ БЎЛСА

суддан самарали фойдаланиш мумкин

Кузги тадбирлардан бири мелиоратив объектлар, хусусан суғориш каналлари, насос станциялари, улардаги иншоот ва жиҳозларни келгуси йил ҳосили учун шай ҳолатга келтиришдир.

Суғориш каналлари ва улардаги иншоотларни, жиҳозларни ишчи ҳолатга келтириш учун қуйидаги тадбирлар бажарилиши лозим:

- лойқа-чўкиндилар ва ҳар хил ўсимликлардан тозалаш;
- каналнинг қўндаланг кесимини лойиҳавий ҳолатга келтириш ва унинг қияликлари мустақамлигини ошириш;
- таъмир талаб дамбаларни тиклаш;
- гидротехник иншоотларни, сув ўлчаш нуқталарини, йўлларни, алоқа тармоқлари ва ёрдамчи иншоотларни таъмирлаш;
- сув олиш иншоотларини электро-механик жиҳозлар билан таъминлаш.

Йирик каналларни, зовурларни лойқа-чўкиндилар ва ҳар хил ўсимликлардан тозалаш учун механизацияланган гуруҳлар ташкил этилади ва барча ишлар механизация ёрдамида амалга оширилади. Кичик каналлардан лойқа-чўкиндилар ва ҳар хил ўсимликларни ихчам ускуналар ёки қўл кучи билан чиқариб ташланиши мумкин. Баъзи ҳолларда лойқа-чўкиндиларни лойқалатиб сув оқими орқали ўтказиб юборилади, оқибатда ўтказиб юборилган лойқалар ё далага, ё ташламага бориб қуйилади. Лойқани пастки оқимга йўналтирилгандан кўра, канал қирғоқларига ва ён атрофдаги жойларга олиб ташлангани маъқул.

Канал ёки ташлама тизимини бошқариш ва ишчи ҳолатда сақлаш мақсадида транспорт воситаларининг юриши учун албатта йўллари бўлиши шарт.

Ҳар қандай гидротехник иншоотлар, улардаги жиҳозлар ишлатилгани сайин емирилиб, занглаб ва эскириб боради. Бироқ бу ҳолат кучайиб кетмаслиги учун уларни таъмирлаш ва тузатишга эътибор бериш талаб этилади. Иншоотлардаги носозликларнинг олдини олиш, бетонларнинг емирилиши, кўтармани ювилиб кетишдан асраш ишларини пайсалга солиш зарarli оқибатларга олиб келади. Шунинг учун сув тақсимлаш иншоотларда кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш учун қуйидаги таъмирлаш-тиклаш ишларни бажариш лозим:

- зичлагичлар текширилиб, ишдан чиққанлари алмаштирилади;
- гидропровод болтлари текширилиб, қотирилади;
- занглаган юзалар тозаланиб, зангга қарши қоплама суртилади;
- кўтариб-тушириш винтларига солидол суртилади;
- электр жиҳозлар кўздан кечирилади, электродвигатель очилиб, мойланади, контактлар тозаланади;
- редукторга мой қуйилиб, подшипниклар мойланади;
- захирадаги эҳтиёт қисмлар кўрикдан ўтказилиб, ишга яроқлилиги таъминланади.

Насос станциялари иншоотларида олиб бориладиган қузатув ишлари уларнинг хусусиятлари билан белгиланади. Биноларидаги қурилиш конструкциялари-каркаси

(синчи), юк кўтарувчи деворлари, пойдеворлари, томи ва ундаги ёмғир сувини йиғиб тушириб юборувчи қурилмалар, металл конструкциялардаги коррозияга қарши қопламалар, ҳаво алмаштириш ва иситиш тизими, ёнғинга қарши қурилмалар, дренаж-қуришти тизимлари ва бошқа техник ҳолатлари бўйича қузатувлар олиб борилади. Эскирган жиҳоз ва иншоотларни алмаштириш ёки модернизация қилиш, насос станцияси ишнинг, хужжатларнинг ҳисоб-китобини олиб боришни рационализация қилиш ва бошқа ташкилий-техник тадбирларни ўз ичига олади. Мавсумий иш режимига эга насос станцияларида қиш бошланишидан олдин барча қувурлар сувдан бўшатилади, жиҳозлар ва механизмлар текшириб чиқилади, уларда аниқланган барча камчиликлар бартараф қилинади. Затворлар, шитлар зичлагичлари, қўқим ушловчи панжалари назорат қилиниб, лозим бўлса таъмирланади.

Каналлардаги сув ўлчаш нуқталарини ишчи ҳолатга келтириш учун ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Хизмат кўприклари таъмирланади, реперлар соз ҳолатга келтирилади, сув сатҳини кўрсатувчи рейкалар ишчи ҳолатга (буёқлаш, таъмирлаш) келтирилади.

Кичик суғориш канал ва ариқларини лойқа ва бегона ўтлардан тозалаш ишларини фермерлар ва маҳаллий аҳоли ҳашар йўли билан амалга оширишлари лозим. Ички суғориш лотокларини мунтазам равишда назоратдан ўтказиш ва таъмирлаш ҳамда биодренаж ёрдамида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

- суғориш лотокларининг таянч устунларини тартибга келтириш;
- суғориш лотокларининг бирлашган қисмидан ва ёриқлардан сув сизиши олдини олиш учун йўл қурилиш битуми, ипаксит суюқлиги ва бентонет қоришмалари ва махсус герметик материаллардан фойдаланиш;
- одатий оқимда ҳам суғориш лотокларида чўкмалар йиғилиб қолади. Шу боис оқим тезлигини яхшилаш ва меъерий сув сарфини ўтказиш учун уларни тозалаб туриш лозим. Улар жуда кичик ва мўрт бўлганлиги учун одатий механик ускуна билан тозалашдан кўра қўл билан тозалаган маъқул.
- Фермер хўжалиқларининг сув олиш қулоқларидаги сувни бошқариш иншоотлари ва гидропостларни таъмирлаб мавсумга шай ҳолатга келтириш ҳам суғориш мавсумида далага берилаётганда сувни бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун замин яратади. Ўз ҳудудларидаги суғориш тармоқларини мавсумга тайёрлаш ҳамда барча ички ариқларни тозалаш ва анжомларни мавсумга тайёрлаш ҳам фермер хўжалиқларининг суғориш даврида сувдан самарали фойдаланишлари учун хизмат қилади.
- Кузги-қишки мавсумда белгиланган тадбирларнинг жойларда бажарилиши келгуси йил ҳосили учун пухта замин бўлади. Суғориш тармоқларини лойқа-чўкиндилардан, ҳар хил ўсимликлардан тозалаб қиялигининг мустақамлигини ошириш сув йўлларининг равонлигини ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади.
- Юқорида таъкидланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, келгуси йилда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, истеъмолчиларни ишончли равишда сув билан таъминлаш имконияти яратилади.

Ф.ГАППАРОВ,
(ТИМИ)